

ШАРТНОМА № 16

(Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш, хизмат кўрсатиш)

«26» август 2022 йил

Фаргона ш.

«LEFE BUILDING FERGANA» хусусий корхонаси раҳбари Д.Исмаилов

(хужалик юригувчи субъект, ФИИП)

бундан буён бир томондан «Пудратчи» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан

Фаргона шаҳар ММКО ва С Департаменти директори А.Назиров

(хужалик юригувчи субъект, ФИИП)

низоми асосида иш юригувчи бундан буён «Буюртмачи» деб юритилади ва қуйдагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Пудратчи» узига тегишли мол-мулкни сотиш, «Буюртмачи» эса туловни белгиланган тартибда амалга оширганга сунг қабул қилиш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

т/р №	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Футболка (оқ рангда)	дона	200	28 950	5 790 000
2	Нимча (яшил рангда)	дона	200	68 950	13 790 000
3	Кепка (оқ рангда)	дона	200	24 950	4 990 000
	Жами:				24 570 000

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: **24 570 000** (Йигирма тўрт миллион беш юз етмиш минг) сўм, 00 тийин

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Буюртмачи» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товарнинг 30% микдорида пул утказиш йули билан туловни амалга оширади қолган 70% тўлов маҳсулот товар-моддий бойликлар қабул қилинганга сунг амалга оширилади.

3.2. Товарлар «Пудратчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати узаро қилишилган ҳолда қушимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Пудратчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сунг товарни 3 кун муддат ичида «Буюртмачи»га етказиб бериши шарт.

(товар етказиб бериш муддати)

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Буюртмачи»нинг талабига мос қилиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Пудратчи» мажбуриятлари:

- Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган ҳолда уз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;

- Шартноманинг шартлари «Буюртмачи» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қуйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тугрисида билдириш олгандан сунг, сифатли булмаган мол-мулкни 3 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Пудратчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тулик ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа курсаткичларини курсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тулик реквизитларини расмийлаштириш шарт.

6.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

- «Буюртмачи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда туловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонуни ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб уз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 3 кун ичида «Буюртмачи»ни огоҳлантириш.
- Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган хисоб-варақлар буйича тулов амалга оширилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг олдиндан маблағи булган ҳолда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун шартномада курсатилган сумманинг 0.5 % миқдорида «Буюртмачи»га пеня тулайди, лекин пеня миқдори етказиб берилмаган махсулот қийматининг 50% дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 5 % миқдорида жарима тулайди.

7.4. «Буюртмачи» олинган товар учун туловни уз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% миқдорида «Пудратчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ булмаслиги лозим.

7.5. Текширув органилари томонидан махсулот нархи қиммат деб топилган тақдирда уртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлиқ булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавқулодда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб булмайдиган куч 1 ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

IX. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор қилишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Узаро келишилмаса ҳужалик суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «26» августдан 2022 йил «31» декабргача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бошқармаси (булим)да руйхатдан ўтказилганидан сунг қонуний қучга қиради.

X. ҚУШИМЧА ШАРТЛАР

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»
«LEFE BUILDING FERGANA» Х/К
Тошқоқ тум. М.Муродов 13-уй
Тел: 91 667 67 76
х/р: 20208000205131881001
“Ҳамқор банк” АТБ Фарғона МИНТ филиали
МФО: 01155 ИНН: 306 777 634

Рахбар:



Д.Исмаилов

Ҳужжатнош:

«БУЮРТМАЧИ»

ФШММКО ва С Департаменти
Фарғона шаҳар Ал-Фарғоний 43-уй
ШХР: 100022860304017065100110013
ИНН: 207 211 415 ОКОНХ: 90211
Фарғона шаҳри буйича Газначилик бўлинимаси
Газна х/р: 23402000300100001010
Марказий банк ХККМ Тошқоқнт ш.
МФО: 000 14 ИНН: 201 122 919

Директор:

А.Назирова

А.Абдурахмонов



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
ФШММКО ва С Департамент
буғлим бошлиғи
Ж.Усмонов

26.08.2022 йил

Фаргона шаҳри

Фаргона шаҳар Марказий майдонларни кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва сақлаш Департаментининг ишчилар иш сифати ва унумдорлигини ошириш мақсадида мавсумга мос равишда махсус ишчи кийим сотиб олиш учун №137717 лот рақамли эълоннинг 23.08.2022 йил кунги электрон баённомаси муҳокама натижалари

тўғрисидаги харид комиссиясининг тегишли мажлиси

БАЁННОМА ХУЛОСАСИ

1. Департаментининг ишчилар иш сифати ва унумдорлигини ошириш мақсадида мавсумга мос равишда махсус ишчи кийим сотиб олиш учун маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисоби ва харажатларнинг иқтисодий таснифи бўйича мос келади.
2. Департаментининг ишчилар иш сифати ва унумдорлигини ошириш мақсадида мавсумга мос равишда махсус ишчи кийимларни сотиб олиш юзасидан 23.08.2022 йил куни тузилган харид комиссиясининг электрон баённомаси йўлланган тижорат таклифларни баҳолаш асосида тузилган.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги (ЎРҚ-684-сон) Қонуннинг 7-боб 62-моддасининг 3 ва 7-бандарига асосан etender.uzex.uz махсус ахборот порталидаги 23.08.2022 йил куни тузилган харид комиссияси электрон баённомасининг 2 кунлик муҳокама вақтида ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлиги сабабли электрон баённомада ғолиб деб топилган “LEFE BUILDING FERGANA” хусусий корхонаси билан белгиланган тартибда 24 570 000 (йигирма тўрт миллион беш юз етмиш минг) сўмлик шартнома тузилсин.

Комиссия аъзолари:

М.Абдурахмонова

Р.Хомидов

Ш.Юсуфжонов

Х.Ўлмасов

Котиба:

М.Болтабоева